

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ
ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

VOLUME II | ISSUE 3 | MARCH | 2024

ISSN: 2181-4031



Available online at www.imfaktor.com

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОН

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ- II, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

ТОШКЕНТ – 2024

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

№ 3 (2024) DOI <http://dx.doi.org/10.56017/2181-4031-2024-3>

Бош муҳаррир:

Тураев Б.

– фалсафа фанлари доктори, профессор

Масъул муҳаррир:

Расулова Д.

– иқтисодиёт фанлари доктори, доцент

Таҳририят аъзолари:

1. Каримов Б. – тарих фанлари номзоди, доцент
2. Ходжаметова Гулчира Илишевна – тарих фанлари номзоди, профессор
3. Ҳайдаров Ўрал Ахмадович – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD), доцент
4. Мусаев Джамалиддин Камалович – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент
5. Жамолдинов Хумоюн Бахтиёрбек ўғли – юридик ф.б.ф.д (PhD), доцент в.б
6. Узакова Зарина Фуркатовна – социология ф.б.ф.д (PhD), доцент
7. Мамадияров Дилшод Уралович – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент
8. Тўраев Шавкат Нишонович – фалсафа фанлари номзоди, доцент
9. Бердиева Гулмира Аминовна – тарих фанлари номзоди
10. Гаипов Жасур Бахром ўғли – иқтисодиёт ф.б.ф.д (PhD)
11. Сохибова Лола Жонибоевна – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
12. Шарипов Дилшод Бахшиллоевич – сиёсатшунос, эксперт
13. Содиржонов Мухриддин
Махамадаминович – социология ф.б.ф.д (PhD)
14. Саттаров Дилшод Юлдашевич – юридик фанлар номзоди, доцент
15. Турақулов Акмалжон Анварович – фалсафа ф.б.ф.д (PhD)
16. Каримов Бозарқул Худдайбердиевич – фалсафа фанлари номзоди

“Фундаментал тадқиқотлар” илмий-амалий журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Мазкур журнал 6 та халқаро маълумотлар базаларида индексланган бўлиб, жорий йил учун UIF 2023 = 7.5 “импакт-фактор” кўрсаткичига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг 2023 йил 24 июлдаги 01-02/1199-сонли хатига мувофиқ ушбу журналда чоп этилган мақолалар хорижий мақолалар сифатида тан олинади.

Саҳифаловчи\Page Maker\Верстка: Абдурахмон Хасанов

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2/27-уй. Почта индекси 100152. Веб-сайт: www.imfaktor.uz/com

Телефон номер: +99894-410 11 55, **E-mail:** tahririyat@imfaktor.uz

© “ИМФАКТОР Pages” илмий нашриёти, 2024 йил.

© Муаллифлар жамоаси, 2024 йил.

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ | JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

ЗОКИРОВ Воҳиджон Иброҳим ўғли

Банк молия академияси

тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10814533>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг кредит операцияларини амалга ошириш ҳамда уни ривожлантириш орқали миллий иқтисодиётимизда тижорат банкларининг кредит операцияларини жадаллаштириш йўллари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён этилган. Хусусан, молиявий секторни изчил ислоҳ қилиш давомида қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада илғор банк бизнесини юритиш ҳамда ушбу секторда рақобат муҳитини кучайтириш учун зарур ҳуқуқий шарт-шароитлар яратилмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда тижорат банкларининг кредитлаш фаолиятини ривожлантириш истиқболларидаги мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этиш бўйича муаллиф ёндашувлари ва таклифлари келтирилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, бошқарув тузилмаси, банк стратегияси, кредит операциялари, маржа, кредит, депозит, фоизли, фоизсиз даромад ва харажатлар, кредит операциялари ҳисоби

ПУТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ КРЕДИТНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

АННОТАЦИЯ

В данной статье описываются отзывы о способах ускорения кредитных операций коммерческих банков в нашей национальной экономике за счет внедрения кредитных операций коммерческих банков в Республике Узбекистан и ее развития. В частности, в ходе последовательного реформирования финансового сектора осуществляется ряд мер и, как следствие, создаются необходимые правовые условия для поддержания развитого банковского бизнеса и укрепления конкурентной среды в этом секторе. Также в нашей стране представлены существующие проблемы в перспективах развития кредитной деятельности коммерческих банков, а также авторские подходы и предложения по их устранению.

Ключевые слова: коммерческий банк, структура управления, банковская стратегия, кредитные операции, маржа, кредит, депозит, проценты, беспроцентные доходы и расходы, счет кредитных операций

WAYS TO IMPROVE THE LENDING ACTIVITIES OF COMMERCIAL BANKS

ANNOTATION

This article describes reviews on ways to accelerate credit operations of commercial banks in our national economy through the introduction of credit operations of commercial banks in the Republic of Uzbekistan and its development. In particular, during the consistent reform of the financial sector, a number of measures are being implemented and, as a result, the necessary legal conditions are being created to maintain a developed banking business and strengthen the competitive environment in this sector. Also in our country, the existing problems in the prospects for the development of credit activities of commercial banks are presented, as well as author's approaches and proposals for their elimination.

Keywords: commercial bank, management structure, banking strategy, credit operations, margin, loan, deposit, interest, interest-free income and expenses, credit account

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий банк амалиётини ривожлантириш билан боғлиқ асосий вазифалар мижозларга тақдим этиладиган банк хизматлари доирасини кенгайтириш, рақамли технологиялардан самарали фойдаланган ҳолда банк хизматлари кўрсатиш жараёнида вақтни қисқартириш, онлайн хизматларни жадаллаштириш, мижозларни турли хил кредитлаш хизматларидан қаноатлантириш даражасини ошириш, нарх сиёсати самарадорлигини ҳамда кредит операциялари ҳисобини амалга оширишнинг ҳуқуқий ва ташкилий-иқтисодий механизмлари ҳамда институционал асосларини такомиллаштириш кабиларни ўз ичига қамраб олади

Банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриш талаб этилмоқда.

Мамлакат банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида “...кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш орқали банк тизимининг молиявий барқарорлигини таъминлаш” устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб берилган [1].

Молия тизмида тенг рақобат шароитларини яратиш, кредитлашни фақат бозор шартлари асосида амалга ошириш, банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, шунингдек, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш орқали банк тизимининг самарадорлигини ошириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Шунингдек, банк хизматлари тизимининг юқори даражада самарадорлигини таъминланмаганлиги ҳамда кредит операциялари ҳисобини юритишдаги баъзи камчилликлар, тижорат банкларида хизматларни ҳужжатлаштириш бўйича самарали тизимнинг шакллантирилмаганлиги ва шунга мос равишда ташкил этилмаганлигидан келиб чиқади. Мижоз, масалан, ипотека кредити учун мурожаат қилганда, банк унда ривожланган ҳамда барча кредит хизматлари учун бир хил бўлган кредит жараёнини бошқаради, улар шунчаки «йўл бўйлаб» маълум бир мижозга мослашишга ҳаракат қилишади.

Умуман олганда, мамлакатимиз банк тизимида субъектлар фаолиятини кредитлаш операциялари ҳисобини ташкил этиш нуқтаи назаридан тижорат банкларининг ролини таҳлил қилишда молиявий категория сифатида кредит операциялари ҳисоби тушунчасининг моҳиятини турлича назарий қарашлар ва ёндашувларга асосланиб аниқлаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Тижорат банклари фаолияти тўғрисида ва унинг моҳиятини аниқлаш масаласига бир қатор ёндашувлар мавжуд бўлиб, турли иқтисодий адабиётларда бир қатор хорижлик олимлар, рус олимлари ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинган. Хусусан, хорижлик иқтисодчи олим Д.МакНотон ўз илмий ишларида тижорат банкларнинг кредитлаш амалиётини ташкил қилиш ва тартибга солиш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш хусусидаги масалаларга тўхталган ҳолда қуйидаги фикрларни баён этган: ривожланаётган мамлакатларда кредитлаш амалиётини ташкил қилишнинг зарурий шартларидан бири кредитларни гаров таъминоти асосида беришни одатий ҳол сифатида қабул қилишдир, деган хулосага келди [2].

З.М.Анисимованинг “Банк стратегик менежментини ривожлантириш” номли илмий тадқиқот ишида банк фаолияти: “тижорат банкининг узоқ муддатли фаолияти режаси бўлиб, у қабул қилинган вазифалар ва мақсадларга эришишни таъминлайди ҳамда молиявий барқарорликни таъминлаш шarti билан ҳар бир таркибий бўлинма фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутати” деб ифодалаган [3].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим О.Саттаров «Банк ликвидлиги – бу банкнинг жорий ва келгуси мажбурият ва тўловлари, кредит бўйича мижозлар талаблари бажарилишини ўз вақтида ва миқдорда, активларни ҳеч қандай зарар кўрмасдан нақд пулларга айлантириши ёки мақбул нархларда ресурс сотиб олиш қобилиятлари йиғиндисидир», деб таъриф берган [4].

М. Gregory Mankiwнинг фикрича, тижорат банклари орқали яратилган қўшимча пул бу пул мультипликатори дейилади. Mankiwнинг бундай тариф беришига асосий сабаблардан бири мамлакатдаги берилган барча кредитлар пул массасини ташкил қилиши билан изоҳлайди [5].

Маҳаллий олимлардан З. Жумаевнинг Макроиқтисодиёт номли китобида тижорат банклари орқали қўшимча пул яратилиши банк мультипликатори ёки кредит экспанцияси деб талқин қилади [6].

Абалкин Л.И, Панова Г.С. ва бошқа бир гуруҳ иқтисодчиларнинг фикрича, тижорат банкларининг кредит портфели - бу кредитларнинг сифат ва таркиби бўйича туркумланишидир. Бу таърифда, фикримизча кредит портфелининг моҳиятини очиб беришга ижобий ёндашилган. Ижобийлиги шундаки, улар кредитларнинг сифат таркибига қараб маълум омилларни ҳисобга олган ҳолда туркумлаш зарурлигини таъкидлайдилар [7].

Юқорида келтирилган олимларнинг илмий изланишларида тижорат банклари фаолиятига умумий таъриф берилгани аммо бу жараённинг умумий мамлакат молия тизимида ва инфляция даражасига таъсири кенг ёритилмаганини кузатиш мумкин. Биз ушбу мақолада, тижорат банклари фаолияти бошқа иқтисодий кўрсаткичларга хусусан, молия тизимида ва пулнинг қийматига таъсирини ёритишга ҳам кредит операциялари ҳисобини шакллантиришга ҳаракат қилинди.

Тадқиқот методологияси. Ушбу мақолани тайёрлашда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, фойдаланилган адабиётлар ва интернет маълумотлари расмийлиги, ундаги иқтисодчи олимларнинг мавзуга оид илмий-назарий қарашларининг қиёсий ва танқидий таҳлил қилинган. Мавзуни ўрганиш давомида умумиқтисодий усуллар билан бир қаторда тизимли таҳлил, умумлаштириш, абстракт-мантикий фикрлаш, статистик усулларида фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Сўнгги йилларда мамлакатимизда молия ва банк тизимининг барқарорлигини таъминлашга, банклар томонидан қулай ва сифатли молиявий хизматлар кўрсатишга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, банк хизматларидан фойдаланиш бўйича шаффофликни таъминлаш ҳамда банк ва истеъмолчилар ўртасида молиявий хизматлардан фойдаланиш жараёнида юзага келиши мумкин бўлган турли тушунмовчиликларнинг олдини олиш мақсадида мазкур хужжатга айрим ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, тижорат банклари томонидан амалга ошириладиган актив амалиётларининг асосий қисмини хужалик юритувчи субъектларни кредитлаш ташкил қилади. Тижорат банкларида кредит операцияларини ҳисобга олишда асосан куйидаги тушунчалардан фойдаланилади. Кредитлар ва олиними лозим бўлган маблағлар ҳисобварақлари – фаол бозорда котировка қилинмайдиган, улар бўйича тўловлар олдиндан белгиланган ёки ўрнатилган ноҳосилавий молиявий активлар бўлиб, уларга куйидагилар кирмайди:

- банк зудлик билан ёки яқин келажакда сотмоқчи бўлган, ва шу сабабли сотишга мўлжалланган деб таснифланиши лозим бўлган, ёки дастлабки тан олишда сотиб олиш ва сотиш учун деб таснифланган молиявий активлар;

- банк томонидан дастлабки тан олинимида сотиш учун мавжуд деб таснифланган активлар;

- эгаси ўзининг бошланғич инвестицияси суммасини амалда ундириб ололмайдиган активлар, лекин активлар сотиш учун мавжуд деб таснифланиши лозим бўлган тақдирда, кредитнинг қадрсизланиш ҳолатлари бундан истисно.

Реал фоиз ставка усули – активнинг (мажбуриятнинг) хизмат муддати давомидаги кечиктирилган (масалан, ҳар ойда эмас, ҳар йилда олинадиган ёки тўланадиган) фоизли тўловларга тақсимлаш орқали дисконт ёки мукофотни фоизли даромадга (ёки харажатга) амортизациялаш йўли билан доимий фоиз ставкасини тан олинимида олиб келадиган усулдир;

Реал фоиз ставкаси – молиявий активнинг мўлжалланган хизмат муддати давомида ёки мақбул бўлган ҳолда, қисқароқ даврда кутилаётган келгуси пул тўловлари ёки тушумлари оқимларини унинг соф баланс қийматига аниқ дисконтлайдиган ставка;

Қадрсизланишдан кўриладиган (ёки кўрилиши мумкин бўлган) зарар - кредитнинг баланс қиймати унинг қопланадиган қийматидан ошиб кетган сумма. Бу қарздор кредитни тўлиқ суммаси (асосий қарз ва фоизлар)ни қайтараолмаслигини ва банк зарар кўришига келтириши мумкинлигини билдиради.

Қопланадиган қиймат – кредитнинг баланс қиймати ва кредитнинг дастлабки реал фоиз ставкаси бўйича дисконтлашдан кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматидан энг каттаси.

1-жадвал


Давлат улуши мавжуд тижорат банклари фаолиятининг асосий кўрсаткичлари, (млрд. сўмда, 2024 йил 1 январь ҳолатига) [7]

№	Банк номи	Актив		Кредит		Капитал		Депозит	
		Сумма	Улуши и фоизда	Сумма	Улуши и фоизда	Сумма	Улуши и фоизда	Сумма	Улуши и фоизда
Жами		652 157	100%	471 406	100%	97 079	100%	241 687	100%
Давлат улуши мавжуд банклар		441 777	68%	333 298	71%	63 239	65%	124 358	51%
1	Ўзмиллийбанк	127 503	19,6%	99 423	21,1%	17 849	18,4%	32 920	13,6%
2	Ўзсаноатқурилишбанк	74 634	11,4%	57 124	12,1%	8 728	9,0%	13 799	5,7%

3	Агробанк	66 700	10,2%	54 483	11,6%	12 297	12,7%	15 389	6,4%
4	Асака банк	58 014	8,9%	39 213	8,3%	6 668	6,9%	15 485	6,4%
5	Халқ банки	36 603	5,6%	24 549	5,2%	5 883	6,1%	17 044	7,1%
6	Бизнесни ривожлантириш банки	27 063	4,1%	21 801	4,6%	3 180	3,3%	9 419	3,9%
7	Микрокредитбанк	19 062	2,9%	14 437	3,1%	3 934	4,1%	6 361	2,6%
8	Алоқа банк	16 045	2,5%	10 294	2,2%	2 643	2,7%	9 227	3,8%
9	Турон банк	15 939	2,4%	11 894	2,5%	1 897	2,0%	4 662	1,9%
10	Пойтахт банк	215	0,0%	79	0,0%	160	0,2%	53	0,0%

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларига кўра мамлакатимизда давлат улуши мавжуд тижорат банкларининг жами активлари 441 777 млрд. сўмни ҳамда жами активларга нисбатан 68 фоизни ташкил этган. Тижорат банкларининг жами кредитлари 333 298 млрд. сўмни ҳамда жами кредитларга нисбатан 71 фоизни ташкил этган. Тижорат банкларининг жами капитали 63 239 млрд. сўмни ҳамда жами капитага нисбатан 65 фоизни ташкил этган. Тижорат банкларининг жами депозитлари 124 358 млрд. сўмни ҳамда жами депозитларга нисбатан 51 фоизни ташкил этганлигини кузатишимиз мумкин.

Шунингдек, “Ўзмиллийбанк” АЖ энг юқори кўрсаткичларга эга бўлиб, хусусан, активлар 19,6 фоизни, кредитлар 21,1 фоизни, капитал 18,4 фоизни ва депозитлар эса 13,6 фоизни ташкил этган. Юқорида келтирилган банклардан эса АТ “Алоқабанк”, АТБ “Туронбанк”, “Пойтахт Банк” АЖлар энг паст кўрсаткични ташкил этган.



1-расм. Миллий иқтисодиётимизда кредит қўйилмаларининг таркиби ва уларнинг қолдиги (трлн. сўм)

Юқорида келтирилган 1-расм маълумотларига кўра мамлакатимизда 2023 йил 1 январь ҳолатига миллий валютадаги кредитлар 219 трлн. сўмни ташкил этган. Бу ҳолат 2024 йил 1 январда эса 280 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб йил бошига нисбатан 61 трлн. сўмга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Шунингдек, чет эл валютасидаги кредитлар 2023 йил 1 январь ҳолатига йил 184 трлн. сўмни ташкил этган. Бу ҳолат 2024 йил 1 январда эса 217 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб йил бошига нисбатан 33 трлн. сўмга ошган. Мамлакатимиз иқтисодиётидаги жами кредитлар эса 497 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, йил бошига нисбатан 94 трлн. сўмга кўпайганлигини кўришимиз мумкин. Мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятида яратилаётган шарт-шароитлар таъсири даражасида кредитлар ҳажми ортиб бормоқда.

Мамлакатимизда 2023 йилда иқтисодий ривожланиш қатъий молиявий шароитлар таъсирида глобал инфляция даражасининг секинлашуви, аксарият иқтисодиётларда фаолликнинг пасайиши шароитида ривожланмоқда.

Юқори фискал рағбатлантиришлар, инвестицион фаолликнинг ортиши, кредитлаш суръатининг тезлашиши, пул ўтказмалари ҳажмининг ўтган йилга нисбатан сезиларли пасайиши ҳам иқтисодий шароитларда ўз аксини топди. Бу эса, 2022 йилда ишлаб чиқилган “Пул-кредит сиёсатининг 2023 йил ва 2024-2025 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишлари”да макроиқтисодий ривожланишнинг прогноз қилинган ҳам асосий сценарий, ҳам муқобил сценарийда келтирилган айрим шартларнинг бир вақтда вужудга келаётганлиги билан боғлиқ. Ўтган йилда бошланган геосиёсий зиддиятларнинг ички иқтисодиётга таъсирлари босқичма-босқич пасаймоқда.



2-расм. Республикаимиз тижорат банклари томонидан ажратилган кредитларда имтиёзли кредитлар улуши

Ҳозирги пайтда аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, уларнинг кичик тадбиркорлик ғояларини қўллаб-қувватлаш ва инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш мақсадида турли давлат дастурлари доирасида имтиёзли кредитлаш амалиётини босқичма-босқич бозор тамойилларига ўтказиш бўйича чоралар кўрилмоқда. Бу тадбирлар доирасида имтиёзли кредитларнинг улуши йилдан-йилга пасайиб бораётган бўлса ҳам, нисбатан юқориликча сақланиб қолмоқда. Хусусан, ажратилган жами кредитлар ҳажмида имтиёзли кредитлар улуши 2018 йилдаги 49,1 фоиздан жорий йилнинг дастлабки 9 ойида 17,5 фоизгача пасайган бўлса, имтиёзли кредитларнинг жами кредит қўйилмаларидаги улуши 2018 йил якунидаги 55,8 фоиздан жорий йил 1 октябрь ҳолатига 29,5 фоизгача қисқарган.

Шундай қилиб тижорат банклари учун қарз олиш фоиз ставкасини ҳамда қарз олувчилар учун кредит харажатларини белгилаб берувчи фоиз ставкасининг ўзгариши банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларига таъсир кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги мулкчиликнинг қайси шаклига тааллуқли бўлишдан қатъий назар, улар томонидан юритиладиган бухгалтерия ҳисоби Марказий банк ва Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан чиқарилган йўриқнома ҳамда кўрсатмалар талаби даражасида бўлиш керак. Кредит бериш муносабати билан банк томонидан олинadиган воситачилик ҳақи қарздорнинг молиявий аҳволини ва инвестиция лойиҳаларини қопланишини баҳолаш, кафолатларни баҳолаш ва акс эттириш, гаров ва бошқа таъминотларни ташкиллаштириш бўйича тадбирлар, хужжатларни тайёрлаш ва улар билан ишлаш ҳамда битимни яқунлаш билан боғлиқ банк харажатлари компенсациясини ўз ичига олади.

Шу каби воситачилик ҳақлари кредит бериш ва келгусида кредит муносабатларида қатнашининг ажралмас қисми бўлиб, ва уларга тегишли тўғридан-тўғри харажатлар билан биргаликда, муддати узайтирилади ва реал даромадни тузатиш (корректировка қилиш) сифатида тан олинади. Бундан ташқари, банклар кредит бериш борасида ёзма мажбурият учун воситачилик ҳақи олишлари мумкин.

Республикамизнинг қатор тижорат банкларида қўлланилаётган кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолаш кўрсаткичлари миқдорнинг пул оқимини реал даражасини аниқлаш имконини бермайди. Бизнинг фикримизча, ушбу ҳолат етарли даражада баҳолаш кўрсаткичларидан фойдаланилмаётганлиги ва ўртача тармоқ кўрсаткичларини доимий равишда эълон қилинмаётганлиги билан боғлиқдир. Баҳолаш кўрсаткичларининг асосий қисми ўртача тармоқ кўрсаткичлари билан қиёсий таққослаш асосида аниқланади. Шу боисдан, мунтазам равишда эълон қилинадиган ва ҳақиқий ўртача тармоқ кўрсаткичларининг бўлиши баҳолаш тизимини такомиллаштиришнинг зарурий шarti ҳисобланади.

Кредитлаш тижорат банклари фаолиятининг бирламчи аҳамиятга эга йўналиши бўлганлиги сабабли, кредит амалиётларининг самарадорлиги тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади. Банклар кредит амалиётларининг самарадорлиги эса, уларнинг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш орқали таъминланади.

Ривожланган давлатларнинг банк амалиётида миқдорларнинг кредит тўловига лаёқатлилигини баҳолашда молиявий коэффициентларнинг барчасидан комплекс тарзда фойдаланилади.

ИҚИБОСЛАР. СНОСКИ. REFERENCES.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони // Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон.
2. Д.МакНотон. Банковские учреждения в развивающихся странах.-ИЭР МБРР. - Вашингтон Д.С., 1993.-С.75
3. Анисимова З.М. Развитие стратегического банковского менеджмента. дис...канд. экон. наук: 08.00.10. - М, 2014
4. Саттаров О. Тижорат банклари ликвидлигини бошқариш. Монография. – Т.: «Extremum press», 2012. –9-б.
5. N. Gregory Mankiw, Mark P. Taylor “Economics” 2014. 558-бет.
6. З. Жумаев, “Макроиктисодиёт” 2005. 68-бет
7. Абалкин Л.И, Панова Г.С. Учебник: Банки и банковский бизнес в глобальной экономике. Москва: МГИМО-Университет, 2018. ISBN: 978-5-9228-2202-2.
8. <https://cbu.uz/oz/statistics/bankstats/1569329/> сайти маълумотлари.

ISSN: 2181-4031
DOI Journal 10.56017/2181-4031

ФУНДАМЕНТАЛ ТАДҚИҚОТЛАР ЖУРНАЛИ

II-ЖИЛД, 3-СОҢ

ЖУРНАЛ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ

ТОМ-II, НОМЕР-3

JOURNAL OF FUNDAMENTAL STUDIES

VOLUME-II, ISSUE-3

«Фундаментал тадқиқотлар» электрон журнали 2022 йил 22 декабрь куни № 054837-сонли гувоҳнома билан оммавий ахборот воситаси сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «IMFAKTOR Pages» масъулияти чекланган жамияти.

Таҳририят манзили: 100152, Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, “Ватан” МФЙ, Чилонзор 24-мавзеси, 2-уй.

Телефон номер: +99894-410 11 55

Эл. почта: tahririyat@imfaktor.uz

Веб-сайт: www.imfaktor.uz